



ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ҚИЛИШДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУПЦИЯСИГА АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ АХАМИЯТИ.

*Неъматов Азизбек Ғолибжон ўғли**

Айбсизлик презумпцияси жиноят процессидаги энг муҳим демократик тамойиллардан бири ҳисобланади. У инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахс шаъни ва кадр-қимматини таъминлаш ҳамда адолатли судловни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу тамойил, аввало, давлат органларининг шахсга нисбатан муносабатида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади ҳамда жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортишдан муҳофаза қилади.

Айбсизлик презумпцияси мазмунини тўлиқ англаш учун, энг аввало, “презумпция” тушунчасининг назарий-ҳуқуқий моҳиятига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Қомусий луғатларда “презумпция” (лот. praesumptio) “акси исботланмагунга қадар ишончли деб тан олинадиган тахмин” сифатида таърифланади [1]. Шунингдек, айрим манбаларда мазкур тушунча “ёлғонлиги исботланмагунга қадар ҳақиқат деб ҳисобланувчи тусмол” сифатида изоҳланади [2]. Ушбу таърифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, презумпция — ҳуқуқий воқеликда муайян ҳолатни ҳақиқат сифатида қабул қилишга хизмат қиладиган шартли тахмин бўлиб, у фақат тегишли тартибда рад этилган тақдирдагина ўз кучини йўқотади.

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси. info@akadmvd.uz
azizbek_nematov_696@mail.ru



Айнан шу маънода айбсизлик презумпцияси шахсининг жиноят содир этганликда айбдорлиги исботланмагунга қадар уни айбсиз деб ҳисоблашни назарда тутди. Бу тамойил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қомусида мустаҳкамланган бўлиб, Конституциянинг 26-моддасига мувофиқ, “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди”. Ушбу норма айбсизлик презумпциясининг конституциявий қафолати сифатида хизмат қилади.

Мазкур моддада “ҳар бир шахс” иборасининг қўлланилиши айбсизлик презумпциясининг фақат гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатангина эмас, балки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган барча шахсларга тааллуқли эканлигини англатади. Бу эса ушбу принципнинг умумҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини, яъни у фақат жиноят процесси доирасида эмас, балки давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганини кўрсатади.

Айбсизлик презумпцияси конституциявий норма сифатида нафақат умумий қоида сифатида белгиланган, балки жиноят-процессуал қонунчиликда ҳам янада ривожлантирилган ва аниқлаштирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Мазкур қоидадан кўриниб турибдики, жиноят процессида шахсга нисбатан айблов муносабати фақат далиллар йиғиндисига эмас, балки уларнинг қонуний тартибда текширилиши ва суд томонидан баҳоланишига асосланиши лозим. Суд ҳукми қонуний кучга кирмагунга қадар эса ҳар қандай гумон ва фаразлар шахс фойдасига ҳал этилиши шарт. Бу ҳолат айбсизлик



презумпциясининг амалий ифодаси бўлиб, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ишончли муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Шу тариқа, айбсизлик презумпцияси жиноят процессида адолат, қонунийлик ва инсонпарварлик принципларининг узвий бирлигида намоён бўлади. У нафақат шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилайди, балки давлат органлари фаолияти учун ҳам муҳим ҳуқуқий мезон сифатида хизмат қилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Давлат айблов функцияси шахсга нисбатан қаратилад экан, шахснинг бу функциядан ҳимояланишда энг асосий ҳимоячи қурол айбсизлик презумпцияси ҳисобланади. Айблов функцияси шахснинг айблилигига қаратилган фаолият бўлганлиги билан унинг айбдорлигини билдирмайди. У шахснинг айбдор деб топилишини ўзига мақсад қилиб қўйган фаолиятдир. Айбсизлик презумпцияси эса, бу – айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланишидир[3].

“Айбсизлик презумпцияси – жиноят ҳуқуқи ва процессидаги айбланувчи (судланувчи)нинг айби қонунда белгиланган тартибда исботлангунга қадар айбсиз деб ҳисобаланишини белгилайдиган ҳуқуқий қоида. Айбсизлик презумпцияси – энг муҳим демократик принциплардан бири, шахс ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлайди, асоссиз айбланиш ва ҳукм қилинишдан асрайди. Айбсизлик презумпцияси фуқароларни давлатдан муҳофаза қилишга қаратилган” [4]. “Айбсизлик презумпцияси (lot. “*praesumptio innocentiae*”) –



жиноят суд иш юритувининг энг асосий принципларидан бири бўлиб, исботлаш мажбурияти айбловчи зиммасида бўлишини англатади” [5].

“Айбсизлик презумпцияси (lot. “*praesumptio innocentiae*” – тахмин, фараз) – ҳуқуқдаги шундай ҳолатки, унга кўра айбланувчи айби қонун билан белгиланган тартибда тасдиқланмаганга қадар айбсиз ҳисобланади. Жиноят процессида айбсизлик презумпцияси мақсади – шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, айбланувчининг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, айбсиз кишини ноқонуний ва асоссиз жавобгарликка тортиш ва ҳукм қилишдан муҳофаза қилишдан иборат” [6].

Қонунчилигимизда айбсизлик презумпцияси принципининг амал қилинишининг ўзи унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги ва ҳақиқий демократик ҳуқуқ эканлигидан далолат беради. Субъектив ҳуқуқ сифатида айбсизлик презумпцияси ҳуқуқидан шахс одатда гумон қилинувчи тариқасида ушланган пайтдан бошлаб фойдаланиши мумкин. Шунингдек, Конституциянинг ушбу моддасида шундай талаб қўйиладики, шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқирилишидир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади”[7], деб мустаҳкамланганлигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ЖПКга мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини айбдор деб топиш учун, биринчидан унинг айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланиши, иккинчидан, ушбу жиноят бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлиши талаб қилинади.

Суддан ташқари шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топишга ҳеч қандай орган ёки мансабдор шахс ҳақли эмасдирлар. “Маълум шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топишда ва унга нисбатан жазо чораси



тайинлашда ёки уни айби исботланмаганлиги, асосланмаганлиги учун ноҳақ жавобгарликка тортилганлигини реабилитация қилишда ҳал қилувчи овозга фақатгина суд эгадир”[8]. Ҳеч қандай давлат органи айбланувчи шахсни ноқонуний равишда жиноятчи ҳисоблаб, айби исботланмай туриб, суд қилиш ҳуқуқига эга эмас ва бу ҳолат қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Юқоридаги қоидаларда айбсизлик презумпциясининг асосий мазмуни кам берилган. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, жиноят процессида айбсизлик презумпциясининг руҳи деярли тўла мавжуд. Умуман олганда, айбсизлик презумпциясининг тўла мазмунини бир моддада очиб бериш мумкин эмас, чунки бунинг имкони йўқ.

Шундай бўлсада, асосий мазмунни тўлароқ шаклда Ч.С.Касумов беришга ҳаракат қилган. У айбсизлик презумпциясига қуйидагича таъриф беради: “Жиноят содир қилишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахс, унинг айбдорлиги қонуний тартибда исботланиб ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан тасдиқланмагунча айбсиз деб ҳисоланади”.

Мазкур қоидада жиноий жазо масаласи тўғридан-тўғри назарда тутилмайди, чунки жиноий жазо фақат жиноят содир этган шахсга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосида тайинланади ва ижро этилади. Шу маънода, жиноий жавобгарликни амалга ошириш суд ҳокимиятининг мутлақ ваколати ҳисобланади ҳамда ушбу жараёнда шахснинг айби қонун билан белгиланган тартибда тўлиқ исботланиши шарт. Суд ҳукми чиқарилгунига қадар эса шахс жиноятчи сифатида қаралиши мумкин эмас, бу эса айбсизлик презумпциясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Республикамизда жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли “Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги”



қарори муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга. Ушбу қарор суд-тергов амалиётида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаб бериб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда дастурий ҳужжат вазифасини бажаради.

Хусусан, мазкур қарорда ҳимоя ҳуқуқи тўғрисида билдирилган қуйидаги фикр алоҳида эътиборга молик: “Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш конституциявий қоида ҳисобланади ва жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичларида унга қатъий риоя қилиниши керак”. Бу қоидадан келиб чиқиб, суриштирув, тергов ва суд жараёнларида иштирок этувчи ваколатли органлар зиммасига шахснинг процессуал ҳуқуқларини тўлиқ ва сўзсиз таъминлаш мажбурияти юкланади.

Шунингдек, қарорда иш ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва холисона ўрганиш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини қораловчи ҳамда оқловчи ҳолатларни бир хил даражада аниқлаш, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни белгилаш, иш бўйича мавжуд бўлган тахмин ва гумонларни синчиклаб текшириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Бу эса жиноят процессида тарафлар тенглиги ва тортишувчанлик принципларини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, жиноят процессида судланувчига нисбатан “гумонда сақлаш” ҳолатига йўл қўйилмаслиги лозим. Зеро, суд муҳокамаси натижасида шахснинг айби етарли далиллар билан исботланмаса, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади ва у тўлиқ реабилитация қилинади. Бу ҳолат судланувчининг жиноят содир этганлиги ҳақида ҳар қандай шубҳа ёки фаразлар унинг фойдасига ҳал этилиши лозимлигини англатади. Мазкур ёндашув айбсизлик презумпциясининг мазмуни ва моҳиятини тўлиқ ифодалайди.



Айбсизлик презумпцияси нафақат жиноят процессида муҳим ҳуқуқий принцип сифатида намоён бўлади, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. Ушбу принципга мувофиқ, шахснинг айби қонун билан белгиланган тартибда исботланмагунга қадар у айбсиз ҳисобланади ва унга нисбатан жиноятчи сифатида муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди.

Айбсизлик презумпциясининг мазмуни ва амал қилиш доирасини янада аниқлаштириш учун “ким айбсиз ҳисобланади – айбланувчими, судланувчими, гумон қилинувчими ёки ҳар қандай фуқароми?” деган саволга жавоб бериш муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, ушбу институтнинг амал қилиш доирасини фақат муайян процессуал мақомга эга шахслар билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган умумий ҳуқуқий қоида бўлиб, у барча фуқароларга нисбатан тенг қўлланилиши лозим.

Шу боис, ҳар қандай шахс, у жиноят процесси иштирокчиси бўладими ёки бўлмайдими, қонун олдида айбсиз деб ҳисобланади ва унинг айбдорлиги фақат суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан тасдиқланиши мумкин. Бу эса ҳуқуқий давлат ва адолатли судловнинг муҳим белгиси сифатида хизмат қилади. Хулоса сифатида айтишимиз керакки, Тергов органлари томонидан жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилишда фуқарони суд ҳукми эълон қилинмасдан туриб кенг жамоатчилик олдида муҳокама қилишга йўл қўйилмоқда. Тергов органлари етарли далиллар бўлсагина шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб тўғрисида қарор чиқаради. Айбланувчини ўз айбига иқрорлиги бошқа далиллар билан ҳақиқатдан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кузнецова, О. А. Презумпции в Российском гражданском праве. – М., 2007. – С.12; Теория государства и права: Учебник / под ред. В.К. Бабаева. – М: Юристъ, 2004. – С.37.; Проблемы теории государства и права / Под ред. М.Н. Марченко. – М.: ООО “Проспект-Н”, 2001. – С.24.

2. Материал из Википедии – свободной энциклопедии: [ру.википедиа.орг/вики/Презумпция](http://ru.wikipedia.org/wiki/Презумпция); Словари и энциклопедии на Академике: дис.асадемис.ру

3. Иноғомжонова З.Ф., Иноғомжонов Айбсизлик презумпцияси. Илмий рисола. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

4. Конин В.В. Презумпция невиновности: точка зрения защиты // Принцип презумпции невиновности и его значение на современном этапе. Сборник научных трудов / под общей редакцией д.ю.н. проф. Т.С. Волчецкой. Издательство Калининградского государственного университета, 2001. – С.51.

5. Клямко Э.И. О правовом содержании презумпции невиновности // Государство и право. – 1994. – № 2. – С.17.; Савицкий В.М. Презумпция невиновности. – М., 1997. – С.21

6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир: Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2009.; Большая юридическая энциклопедия. Авторский коллектив. – М.: Эксмо, 2008. – С. 548.; Юридический энциклопедический словарь. – М.: Инфра-М, 2009. – С.163. ва б.қ.

7. Ўзбекистон Республикаси Кодекслари 1-жилд “Адолат”. – Б.127.

8. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Правоохранительные органы, - Ташкент: ТГЮИ, 2003. - 69 с.